ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01140

БЕГОНАЛАШУВ ТУШУНЧАСИ ВА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

Мархабо Сафарова
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси катта ўқитувчиси
markhaboj@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Замонавий ижтимоий воқеликнинг энг долзарб муаммоларидан бири бу бегоналашув муаммосидир. Бугунги кунда бегоналашув глобал характерга эга бўлиб, ахборотлашаётган жамиятда инсон шахсиятининг трансформацияси жараёнида девиант детерминант омили инсоннинг барча фаолият соҳаларига таъсирини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан мазкур мақолада, бу тушунчанинг мазмуни ва доирасини белгилаб олиш, турли назарий мактабларнинг қиёсий таҳлили ҳамда бегоналашув ҳодисаси таснифи ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: жамият, бегоналашув, ёлғизлик, маданият, феномен, экзистенциал, трансформация, тенденция, шахс, эволюция, рационализм, рақамли бегоналашув, ижтимоий тармоқ, рақамли кўникмалар.

COMPARATIVE ANALYSIS OF THEORIES ABOUT THE PHENOMENON OF ALIENATION

ABSTRACT

One of the most pressing problems of modern social reality is the problem of alienation. Today alienation has a global character and has an impact on all spheres of human activity as a deviant determinant in the process of transformation of human personality in an information society. In this regard, in this article, the definition of the content and scope of this concept, a comparative analysis of school interpretations, the classification of the phenomenon of alienation were studied.

Keywords: society, alienation, loneliness, culture, phenomenon, existential, transformation, trend, personality, evolution, rationalism, digital alienation, social network, digital skills.

КИРИШ

Замонавий жамиятда илмий-техника тараққиёти, жамият ҳаётини жадаллаштириш билан бир қаторда этник-миллий муносабатлар соҳаси, қадриятлар тизими, компьютерлаштириш, ахборотлаштириш каби соҳаларда юз

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01140

бераётган ўзгаришларни кўришимиз мумкин. Бир қарашда шаҳарлашув (урбанизация) натижасида инсонларнинг ўзаро муносабатлари, улар ўртасидаги мулоқот мустаҳкамланиб бориши керак, лекин ижтимоий ҳаётнинг дифференциациялашуви инсонларнинг тобора бир-биридан узоқлашишига ва натижада уларнинг ўзаро бегоналашуви ортишига олиб келмоқда. Бунинг сабабларидан бири, аҳоли турли қатламлари ўртасидаги иқтисодий фаровонликнинг номутаносиблиги бўлиб, унинг оқибатида инсон ўзи яшаётган жамиятдан маълум маънода бегоналашади ва бу бегоналашув маънавий, иқтисодий, моддий, ахлоқий, ҳуқуқий, маданий ва мафкуравий кўринишларда юз беради. Бу воқелик эса, шахсларнинг юқорида акс эттирилган муносабатларида амалий намойишини топади. Бундан ташқари, бегоналашувнинг ривожланишига ҳаётнинг тез суратларда ўсиб бориши ва инсонларнинг жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотларни, ўзгаришларни етарли даражада англай олмаслиги ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Янги ижтимоий воқелик шуни кўрсатмоқдаки, инновацион технологиялар ва тараққиётнинг бошқа кўринишлари ижтимоий ҳаётдаги бегоналашув муаммосини бартараф эта олмайди, аксинча, уни оғирлаштириши мумкин. Мисол учун, инсон виртуал компьютер оламига қанчалик кўп кирса, реал дунё ундан шунчалик орқага чекинади, натижада реал ижтимоий муносабатлар оламига қайтиш қўрқуви пайдо бўлади.

XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларидаги қонли урушлар, шиддатли ижтимоий низолар, ички маънавий инқироз, жамоатчилик онгининг ижтимоий воқеликка нисбатан беқарорлиги ва мулоқот жараёнлари мураккаблигининг таъсири бегоналашув кўламини оширганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шундай қилиб ушбу илмий мақола учинчи минг йилликнинг бошларида инсон бегоналашув ҳодисасини бартараф эта олмаслигини, аксинча, унинг салбий таъсири ортишини, жамиятда содир бўлаётган ўзгаришлар бегоналашувнинг янги шакллари ва турларини вужудга келтириши ҳамда бегоналашув янги мазмун-моҳият касб этаётганлиги учун унинг туб моҳиятини англашда назарий қарашларни таҳлил қилинганлиги ҳақидаги фикрлар муаллиф томонидан тадқиқ этилганлиги билан ажралиб туради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Инсоният тарихи давомида бегоналашув ўрганиш объекти бўлиб келган, бу ҳодиса билан боғлиқ жуда кўп назарий, услубий ва концептуал материаллар мавжуд. Тўпланган ғоялар, назариялар, тушунчалар сонининг мавжудлигини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01140

ҳисобга олган ҳолда мақола мавзуси билан бевосита боғлиқ бўлган анъанавий назарияларга эътибор қаратилди ва мақолани тайёрлашда қиёсий таҳлил, аналогия, танқидийлик, тизимли таҳлил каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Шунингдек, бегоналашув масалаларини ўрганиш антик давр фалсафасида ўзига хос ўрин эгаллаган. Кейинги даврга келиб ижтимоий шартнома назариясида бегоналашув муаммоси фалсафий нуқтаи назардан ёритила бошланган бўлиб, у жамият ҳаётини таҳлил қилди ҳамда жамоатчилик институтларининг тескари таъсири тўғрисидаги чуқур фикрларини шакллантира бошлади. Бу институтлар инсон фаолияти давомида юзага келади, бироқ бу институтлар кейинчалик автономлик мақомига эга бўлиб, инсонларга деструктив таъсир этиш имко

ниятига эга бўлиб борди.

Шунингдек, давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ масалаларда Т.Гоббс, Дж.Локк и Ж.Ж.Руссолар ҳам ўз қарашларида давлат ижтимоий институт сифатида инсон ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини давлат фойдасига бегоналаштирувчи акт тизими сифатида намоён бўлишини, у ўзининг шахсий манфаатлари ва истакларини амалга ошириш йўлида инсон эркинлигини чеклаши мумкинлигини таъкидлаган эдилар.

XVIII-XIX асрлардаги немис фалсафаси вакили бўлган К.Маркс томонидан бегоналашувнинг концепцияси ишлаб чиқилган. Ушбу масалага, шунингдек неомарксистлар (Д. Лукач, Г. Маркузе, Т. Адорно, Э. Фромм и др.) ҳам эътибор қаратиб, ўз ишларида бегоналашувнинг ўсиб борувчи инсоннинг нафақат иқтисодий эксплуатациясига, балки мафкуравий ва маданий воқеликларга ҳам боғлиқлигини очиб беришган.

Масалан, Э.Фромм бегоналаштиришнинг экзистенциал жиҳатига эътибор қаратган бўлса, З.Фрейд эса бегоналашув томирлари маданий босим оқибатидаги индивиднинг патологик ҳолати эканлигини таъкидлаган.

Экзистенциализм ва ушбу йўналиш вакиллари аксиологик, психологик ва ижтимоий-маданий омилларни ҳисобга олган ҳолда ўз қарашларида бегоналашув табиатини чуқурроқ англашга яқин келишган [1]. Ушбу масалада немис мутафаккири Ф.Ницшенинг бегоналашув ҳодисаси ҳақидаги қарашлари бегоналашув ҳақидаги назарияларнинг эволюциясини белгилаб берган.

Экзестенциализм концепцияси бегоналашувнинг субъектив томонларига яъни индивиднинг ҳис-тўйғу ва таасуротларига асосланади (Хайдеггер, Бердяев, Сартр ва ҳ.з.).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01140

Немис мумтоз фалсафаси вакиллари И. Кант, Ф. Шеллинг, И. Г. Фихте, Гегел, Л. Фейербахлар томонидан бегоналашувнинг ахлоқий, эстетик ва диний жиҳатлари ҳамда унинг олдини олиш йўлларига оид кўриб чиқилган илмий асарлари ва тадқиқотлари ҳам мавжуд.

НАТИЖАЛАР

XX асрда ижтимоий-маданий ҳаётда қадрият ва тартиблар трансформацияси, инсон ва унинг табиати ҳақида ўрнатилган ғоялар қайта кўриб чиқилиши билан характерланади. Жамият ҳаётига илмий-техника тараққиёти кириб келиши билан бу даврда шахснинг моҳияти, унинг мавжудлиги мазмуни ва мақсадини қайта англашда фалсафий, ижтимоий қарашларга эҳтиёж туғилди. Шундай экан, жамият тараққиёти тарихида муаммолар қаторида бегоналашув ҳодисаси инсон мавжудлигининг ажралмас омили сифатида бугунги кунга қадар ўрганилиб, муайян фалсафий тенденциялар асосида мактабларнинг концепциялари, ёндашувлари ва хулосалари ишлаб чиқилди.

Афлотуннинг фикрига кўра, моддиёт дунёси ғоялар дунёсининг бегоналаштирилган, ўзгартирилган ижроси бўлиб, абадий инсон руҳи танада қамоқхонада бўлганидек, у жалб қилинган ғоялар дунёсидан четда қолади. Бироқ, Афлотуннинг фикрига кўра, фақат бошқа дунёга ўтиш орқали руҳни бегоналашишдан бутунлай қутқариши мумкин [2].

Сиёсий бегоналашувнинг мавжудлиги ҳақидаги ғояга Арастунинг ёндашувига кўра, давлатдаги ижтимоий ҳаёт алоҳида фуқаролар ҳаётидан бегоналашишини таъкидлаган. У буни давлат - шахсдан ҳам, оиладан ҳам устун эканлигини, унга бутунлай қарам бўлиб, уларнинг манфаатлари тўқнашганда давлат зиммасида қолишини билдириб ўтади. Қонун-қоидани давлат белгилаб беради, акс ҳолда одамлар ҳайвонлардан ҳам баттароқ бўлиб кетиши мумкин деб ҳисоблайди [3]. Бироқ, давлат манфаатлари ва айрим фуқароларнинг шахсий манфаатлари тўқнашганда шахс тўлиқ полисга бўйсунган ҳолда бўлади.

XVII асрда жамият ҳаётини таҳлил қилган ижтимоий келишув мафкурачилари давлат институтларининг уларни юзага келтирувчи сабаб ва шароитларга тескари таъсири ҳақида чуқур тасаввур ҳосил қилдилар. Бу институтлар инсон фаолияти жараёнида вужудга келади, лекин келажакда улар нисбий мухторликка ва одамларга жуда ҳалокатли таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўладилар [4].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01140

Томас Гоббс “Левияфан” асарида давлатнинг шаклланиш муаммосини ўрганиб, инсон ҳуқуқларининг ижтимоий организмга топширилиши ҳақида ёзади. Оқибатда инсон бу организмнинг иродаси, унинг воситаси бўлган шахсга айланади. Ушбу жараён муқаррар ва табиий бўлиб, объектив жиҳатдан бегоналашувниг намоён этилиши саналади.

Шу каби мулоҳазаларни ижтимоий (асосан сиёсий) ҳаётдаги бегоналашувнинг ҳақиқий ҳодисаларини ўрганган XVII асрнинг бошқа таниқли мутафаккирларида ҳам топиш мумкин. Хусусан, Д.Локк ва Б.Спинозанинг интилишлари бегоналашишни енгиш йўлларини излашга қаратилган. Демак, Локк сиёсатда бегоналашишни йўқ қилишга қонун устуворлигини кафолатлаш, уни халқ устидан давлат ҳокимиятидан устун қўйиш ҳамда ҳокимиятни мажбурий тақсимлаш орқали эришиш мумкин деб ҳисоблаган [5]. Спиноза одамларни оқилона бошқаришни, давлат амалда халқ билан бирлашганда, демократик ташкилот томонидан таъминланиши мумкинлигини таъкидлаган. Шунда у жамоа иродасини адо этиб, жамиятдан бегоналашмайди деб ҳисоблаган [6].

XVIII асрда француз файласуфи Ж.Ж.Руссо ижтимоий шартнома натижасида вужудга келган давлат, цивилизациянинг бошқа ютуқлари сингари, шахсни қулга айлантириш воситасига айланади деган ғояни янада ривожлантирди [7].

Шу зайлда, ижтимоий тараққиёт ва бегоналашув ўртасидаги муносабатларни тушуниш аста-секин шаклланиб борди. Бу одамлар ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари билан алоқани йўқотишда, ижтимоий ва сиёсий фаолиятда субъективликни йўқотишда намоён бўлади. Айрим конструктив ғояларга қарамай, Гегелгача бўлган фалсафада муаммога дастлабки ёндашувлар ишлаб чиқилган, аммо унинг концепцияси кенгайтирилмаган [8].

Бегоналашув таҳлилининг энг муҳим босқичи айнан немис мумтоз фалсафаси билан боғлиқ. Биз адолатли деб ҳисоблаган нуқтаи назарга ҳамда А.С.Калугина ва Г.Л.Терехова фикрига кўра, немис файласуфлари бу муаммонинг ечимини синтез орқали топдилар. Немис мумтоз фалсафаси вакиллари бегоналашув муаммосига онтологик, гносеологик, ва антропологик ёндашувларни ишлаб чиқдилар [9].

Бегоналаштиришни англашда айниқса, Гегел инсоннинг атрофидаги объектив дунёни яратадиган ва шу билан бирга, уни одамдан ажратилган, унга ҳукмронлик қиладиган ва қарама-қарши бўлган бирон бир ҳақиқатга айлантирадиган меҳнатни ҳисобга олган ҳолда алоҳида ҳисса қўшди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01140

Бироқ, Гегелнинг қарама-қарши характерга эга бўлган бегоналаштириш - ривожланишнинг муқаррар табиий томони эканлиги ҳақидаги баёнотини файласуфнинг энг муҳим ҳиссаси деб ҳисоблаш мумкин.

Гегел билан бир қаторда, немис фалсафаси доирасида Л.Фейербах бегоналаштиришни антропологик материализм нуқтаи назаридан кўриб чиқишга ўтиб, асосий эътиборни бегоналаштириш шакли сифатида динга қаратган бегоналаштиришга ёндашувнинг классик намоёндаси саналади.

Фейербах насронийликни ўрганиб, ўз мисолида бегоналашишнинг маънавий шакли сифатида дин мавжудлигининг манбаларини, моҳиятини ва маъносини очиб берди.

Л.Фейербах таъкидлаганидек, дин моҳиятан “одамни алдайди, аниқроғи, одам ўзини динда алдайди; чунки бу воқеликнинг кўринишини ҳақиқат сифатида беради. Худонинг моҳияти шундаки, У идрок маҳсули бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳақиқий, деб фараз қилинган ҳақиқий бўлмаган, ҳаёлий мавжудотдир” [10].

Гегел ва Фейербах таълимотларига асосланиб, Карл Маркс бегоналашув тушунчасини анча ривожлантириб, ўзининг материалистик бегоналашув назариясини яратди.

Классик Марксизм доирасидаги бегоналашув реал жараён, реал ижтимоий муносабат сифатида тушунилади. Бу ҳақиқатни рўёбга чиқариш Марксга иқтисодиёт соҳасида мавжуд бўлган бегоналашув манбаларини кашф этишга ёрдам берди.

Унинг фикрича, меҳнатнинг бегоналашуви меҳнат объектининг ўзи бегона шахс сифатида меҳнатга қарши туриши билан характерланади [11]. Замонавий классик капитализмни таҳлил қиладиган Маркс бу жамиятда бегоналаштиришнинг тўрт шаклини (меҳнатнинг бегоналаштиришнинг тўрт асосий кўриниши) белгилайди: биринчидан, ишчининг ўзи яратган маҳсулотдан, меҳнат маҳсулидан бегоналашуви; иккинчидан, инсоннинг моҳиятидан бегоналашуви; учинчидан, инсоннинг аждодий ҳаётидан бегоналашуви; тўртинчиси, бир кишининг бошқасидан бегоналашуви.

Бу бегоналашув шакллари қуйидагича намоён бўлади: ишчи томонидан ишлаб чиқарилган ҳар қандай товар, шунингдек, унинг ўз ҳолича мавжудлиги шахсга боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки унга ҳукмронлик қила бошлайди ва унга душманлик қилади [12].

Бегоналашув манбалари ва табиатини англаш асосида “немис мафкураси” бегоналашув мазмуни ҳақида умумий тушунчани тақдим этади. Унга кўра

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01140

бегоналашув халқ ижтимоий фаолиятининг уларга ҳукмрон бўлган моддий кучга “мустаҳкамланишини” ифодаловчи категория ҳисобланади [13].

Шундай қилиб, Европа мумтоз фалсафасида бегоналаштиришни концептуал тушунишнинг иккита талқини – мафкуравий ва моддий талқини мавжуд экан.

Масалан, экзистенсиализм инсонни маънавий таянчидан маҳрум этишни бегоналашувнинг асосий сабаби деб ҳисоблайди. Неофрейдистлар (хусусан, Э.Фромм) бегоналашув манбаларини шахсни табиатдан ажратишда эканлигини кашф этдилар ва бунинг натижаси сифатида атроф-муҳит билан уйғунлашув йўқолишини кўрсатиб ўтдилар [14]. Шунинг учун, шахсларнинг онги ва бегоналашган ҳолатлардан қутулиш йўлини Фромм қадрият йўналишини ўзгартиришда деб билади [15].

Кейинги ўринда XX асрнинг бир қатор асосий ғарб концепцияларини батафсил кўриб чиқамиз.

“Ҳаёт фалсафаси” нинг асосий ғояларидан бири бу тарихий тараққиёт жараёнида онг ошиб бориши сабабли Ф.Ницшенинг илгари сўзсиз қадриятга эга бўлган ҳаёт аҳамиятини босқичма-босқич сусайтириши ҳақидаги ғояси бўлиб, бунга инсонга хос бўлган инстинктларнинг хиралашиши, унинг дунёдан ажралмаслиги ҳақидаги тушунчани бузади. Шундай қилиб, бегоналашиш кучаяди, мос равишда одамларнинг ҳақиқий эркинлиги фақат асл табиий муҳитда мумкин бўлади [16].

Сартрнинг фикрига кўра, вақт ўтиши билан одам тобора бегоналашган мавжудотга айланади, чунки замонавий иқтисодиёт ва кундалик ҳаёт одамларни сезиларли даражада ўрта даражадаги инсон қилиб қўяди ва бу ҳатто уларнинг фикр юритишини ҳам стандартлаштиради [17]. Шунинг учун ҳам илм-фан инсонга нисбатан тажовузкор, унинг бегоналашувини намоён қилувчи кучга айланади.

С течением времени человек, согласно Сартру, делается всё более отчуждённым созданием, ибо современная экономика и быт значительно усредняют личности, делая стандартными даже их мысли

Камюда эса, умуман замонавий жамият ҳам, изоляция қилинган одам ҳам умидсиз бегоналашувда мавжуддир, чунки бунда эътиқод шаклига эга бўлган ташқи ёрдам йўқолган бўлади.

Бегоналашув муаммосининг гуманистик талқинига Х.Ортега-и-Гассет ҳам қўшилиб у “оммавий исён” деб аталувчи ижтимоий истисно шаклига эътибор қаратди. У моддий муваффақият, либерализм, тараққиёт ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01140

технологияни кенгайтириш билан ҳосил бўлган янги турдаги – “оммавий одам” тушунчасини жорий этди. У фақат истеъмолга кўз тиккан, ҳеч нарсада ўзини чеклашни истамаган ҳамда жамиятни ёки ҳеч бўлмаганда ўзини назорат қила олмайдиган шартли “аъробий” кўринишида гавдаланади. Шунга қарамай, Ортега-и-Гассет улар инсоният тарихидаги фақат ўтиш босқичининг белгилари эканлигини, бегоналашувнинг белгили кўринишларига таъсир кўрсатиш учун маълум йўллар топилиши мумкинлигидан, асосийси уларда масъулият ҳиссини шаклланишига умид қилади [18].

Бегоналашув фрейдизм назариясида, кейинчалик неофрейдизм назариясида ҳам эътиборга олинади, сабаби бу назарияларда инсон ва маданият инқирози ҳақидаги фикр лейтмотив сифатида янграйди. Демак, З.Фрейднинг фикрига кўра, маданиятнинг ривожланиши билан кучаядиган ижтимоий меъёрлар билан шахснинг инстинктлари, ҳаракатлари психологик номувофиқлиги келиб чиқади ва бундан, унинг фикрига кўра, ўзини хаёллардан холос қилиш орқали чиқиб кетиш мумкин.

К.Г.Юнг назариясига кўра бегоналашув замонавий жамиятда яқинлашиб келаётган фалокат даражасига айланмоқда [19]. Бегоналаштириш масалалари Э.Фромм назариясида ҳам муҳим ўрин тутади, у тарихий жараённинг кейинги йўналишини икки қарама-қарши, аммо бир-бирига боғлиқ жиҳатлар - бегоналаштириш ва эркинликни белгилайди, деб ҳисоблайди. Бу унинг “Озодликдан қочиш: инсон ўзи учун” асарида таҳлил қилинади. Тараққиёт билан эркинлик доимий равишда ошиб боришига қарамай, шахснинг ҳам одамдан нинг ҳам оламдан узоқлашиш даражаси ошиб боради [20].

Э.Фромм бегоналаштиришнинг экзистенциал жиҳатига эътибор қаратиб, “Бегоналашув барча қадриятларни қайта баҳолаш жараёнига олиб келади” дейди.

Э.Фроммнинг қарашларида аксарият инсонлар бегоналашув ҳодисасини шахснинг субъектив ҳолати ёки жамиятдаги объектив позицияси эканлигини тушунишмайди. Бу сўз айтилганда, одамлар унга ҳайрат ва қўрқув билан қарашади. Кимлардир учун бу шунчаки ҳаддан зиёд бир томонлама фанатик қарашлар билан боғлиқ ассосациялар натижасида келиб чиқадиган стереотиплардир. Э.Фромнинг фикрига кўра, “бегоналашув” сўзи дастлаб “руҳий касал (insane – ақлдан озган) инсон” маъносини англатган. Францияда “aliene” ва Испанияда эса “alienado” – бу мутлоқ бегоналашган, психотик инсонни белгилаш учун ишлатилган эски атамалардир [21].

Бегоналашув ғоясини қайта англаш учун иррационализм, фрейдизм,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01140

экзистенциализм ғоялари ҳам хизмат қилди.

Ф.Ницшенинг фикрига кўра бегоналашувни пайдо бўлишининг муҳим сабаблари, ўз асосларига кўра қарамлик ҳукмрон бўлган ахлоқ нормаларида деб билган. Унинг фикрига кўра бунга ёрқин мисол христиан динидир, чунки ҳар қандай кўринишдаги эътиқод ўзидан воз кечиш, ўзидан бегоналашишидир.

Бегоналашув муаммосини таҳлил қилиш жараёнида Ф.Ницше инсон эркинлиги муаммосига алоҳида эътибор қаратиб, эркинликни энг олий инсоний қадрият сифатида ажратади, унга эришгач эса инсон юқори даражадаги масъулиятни талаб қиладиган қарор қабул қилишнинг энг қийин танловига дуч келади. “Эркин инсон” ҳақида Ф.Ницше шундай ёзади: “узоқ, синмайдиган ирода соҳиби бўлган, ўз тасарруфида унинг ҳам шахсий қадр ўлчови бор: у ўз ҳурматини ҳам ва бошқаларга нисбатан нафратланиш ўлчовини ҳам ўзи белгилайди” [22]. Унинг фикрича, кишиларнинг озод ва қулларга бўлиниши сақланиб қолган, чунки ўзи учун куннинг учдан икки қисмига эга бўлмаган шахс ўз мавқеи ва касбидан қатъи назар, қул ҳисобланиши керак. Ф.Ницше ўзининг “Ахлоқнинг моҳияти” асарида бегоналашув муаммосига муносабатини акс эттирувчи сатрлар билан бошлайди: “Биз ўзимизга бегонамиз, биламиз, ўзимизга бегонамиз: бунинг ўзига хос сабаби бор. Биз ўзимизни ҳеч қачон изламаганмиз, қандай қилиб бу содир бўлган, бир кун келиб ўзимизни топишимиз мумкин”. Биз заруратга кўра ўзимизга бегона бўлиб қоламиз, биз ўзимизни тушунмаймиз, биз ўзимизни бошқалар билан аралаштиришимиз керак, чунки биз учун мавқе абадий: “Ҳар ким ўзига нисбатан кўпроқ узоқ” – ўзимизга нисбатан биз “билгувчи” эмасмиз ... “[22].

Ф.Ницше замонавий дунё ўлимга олиб келадиган инқироз ҳолатида, маданият ва цивилизациянинг яқинлашиб келаётган инқирози эса инсонда мубталолик ва бегоналашув ҳиссини қўзғатишини тафаккур қилади. Ф.Ницше шахснинг жамиятдан ажралиб қолиши жараёнида ёлғизликни ҳис қилишини турлича баҳолаган. Бир томондан, у ёлғизликда шифо, “мен”ини ўзликка қайтишини кўради ва қайд этадики: “менинг барча Зардуштийлигим ёлғизликка, ёки агар англасам, покликка дифирамб” [23]. Бир томондан, у ёлғизликда, ўзини ички менига қайтишида шифо кўради. Муаллиф асарда китобхонга “Китоб ҳамма учун ва ҳеч ким учун эмас, дея Зардушт таъкидлаган”лигини ва инсонни ўзи билан ёлғиз қолишни тавсия қилмаслигини, бунинг сабаби сиз ўзингизнинг салбий томонингиз билан кураша олмаслигингиздадир дейди. Бизнинг фикримизча Ф.Ницшенинг қарашлари қуйидаги сатрларда ўз ифодасини топган “Кимдир учун ёлғизлик

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01140

касалнинг қочиши; бошқаси учун эса ёлғизлик бу касаллардан қочишдир" [24], инсоннинг ёлғизликка "тайёрлиги"га урғу берилган. Ф. Ницшенинг фикрига кўра инсоннинг ёлғизлик ҳолатига "тайёр"лиги, унинг якуни ва натижасини белгилайди: кимнингдир ёлғизлиги "ички ҳотиржамлик ва руҳиятнинг эркинлигига олиб келса, бошқаларда эса бу жараёнда "ўзини йўқотишига ёки танлаган йўлига махлиё бўлиб, қайсидир бурчакда маст бўлиб ўтириши мумкин" [25]. Файласуф инсоннинг жамиятдан ташқаридаги ўрнини ифодаловчи яна бир тушунча билан алоҳида таъкидлаб, яккаланганлик ҳақида "бу ҳайвонлар тўдасига нисбатан одамлар орасида бўлиши кўпроқ хавфли ҳисобланади" дея таърифлайди [24].

МУҲОКАМА

Бегоналашув муаммосини таҳлил қилиш бизни замонавий жамиятда бегоналашув ижтимоий ҳаётнинг асосий омилларидан бирига айланишини умумлаштиришга олиб келади**.** Ахборот жамияти технологик янгиликлардан фойдаланиб, ижтимоий субъектга ўз-ўзини рўёбга чиқариш имкониятларини берди, лекин шу билан бирга ҳалокат кўринишларини белгиловчи янги бегоналашув шаклларига шароит яратди.

Илмий - техника тараққиёти даражаси қанчалик юқори бўлса, инсон фаолияти натижалари инсон учун шунчалик бегона бўлади. Бегоналашув-умумий характерга эга бўлган ва уни ҳал этишга ҳар томонлама ёндашишни талаб қиладиган тизимли жараён.

Бегоналашув цивилизацион ривожланишнинг ажралмас элементи бўлган ва инсон фаолияти билан боғлиқ бўлиб, инсон борлиғи муаммоси билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳодисадир. Бегоналашув жараёни анъанавий ижтимоий алоқаларнинг узилишига, жамият маънавий яхлитлигининг йўқолишига, қадрият муносабатининг ўзгаришига олиб келади, бу эса ҳалокатнинг намоён бўлиши учун қулай замин яратади. Демак, бегоналашув замонавий жамиятда инсон табиатининг ҳалокатли кўринишларининг детерминанти, деган хулосага келишга асос яратади.

"Рақамли дунё" янги социокодларни ишлаб чиқаради, у манипулятив стратегиялар билан ўтади ва ҳаёт маъносини англатувчи деформациялар билан бирга келади. Рақамли бегоналашув ҳодисасини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга, чунки ижтимоий бегоналашув соҳасида ишлайдиган немис социологи ва кибернетиги Р.Ф.Гейер хулосаларига кўра, ҳар бир давр ўз тури ва бегоналашув шаклларини ҳосил қилади [26]. Бегоналашув тушунчаси унинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01140

талқини ва кўп ўлчовли семантик маъноларининг нуфузли тарихий ва фалсафий анъанасига эга эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Бироқ, инсониятнинг келажакдаги ривожланиш вектори рақамлар давридан келиб чиққанлигини тан олиш керак. Техносоциализация шахс ва замонавий цивилизация учрашадиган “дастлабки ҳудуд” вазифасини бажаради [27]. Рақамли цивилизация инсон ақлининг маҳсули сифатида “рақамли бегоналашув” ва ўз-ўзидан бегоналашувнинг кескин муаммосини келтириб чиқарди, шу ўринда бу латент ва потенциал долзарб бўлиши мумкин. Рақамли технологияларнинг барча ютуқларини хуш кўрадиган рақамли оптимистлардан фарқли ўлароқ, инсон фаолиятини барча жиҳатларини қамраб олаётган рақамлаштиришни чуқур фалсафий англаш, таҳлил қилиш ва янги қадриятлар ҳамда мақсадларни белгилаб олиш билан назорат қилиниши шарт.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бегоналашув замонавий дунёда ҳаракатчанлик ва динамизм хусусиятига эга бўлиб, классик доирасидан ташқарига чиқади, бу эса уни ўрганишда фанлараро ёндашувнинг амалийлигини асослайди.

Шундай қилиб, бегоналашув муаммосининг тарихий жиҳатини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, фалсафий тафаккур тарихида бегоналашув муаммосини тушунишда турли жиҳатлар ва хилма-хил ёндашувлар очиб берилган. Бегоналашув ҳодисаси турли даврларнинг ижтимоий ҳаётида кўпроқ ёки камроқ мавжуд бўлган, лекин унинг табиати ижтимоий-тарихий шароитга қараб ўзгарган. Бегоналаштиришга ёрдам берувчи ташқи омиллар-цивилизациянинг саноат ва техноген табиати билан боғлиқ ҳолда ахлоқнинг, инсоннинг диний, ижтимоий объективлашувнинг, унинг техноцентризмининг таназзулидир.

REFERENCES

1. Баева Л. В. Аксиологический анализ феномена жизни // Философия и общество. 2003. № 3. С.
2. Платон. Тимей / Платон. Избранные диалоги; вступит. статья, составл., примеч. В.Е. Витковский. – М.: «РИПОЛ КЛАССИК», 2002. – С. 161-248.
3.Аристотель. Политика / Аристотель. Сочинения в 4-х т.т. – М.: Мысль, 1983. – Т. 4. – 270 с.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01140

4.Нарский, И.С. Отчуждение и труд: По страницам произведений К. Маркса / И.С. Нарский. – М.: Мысль, 1983. – 144 с.
5.Локк, Д. Два трактата о правлении / Д. Локк. Соч. В 3-х т.т.: Пер. с англ. и лат. – М.: Мысль, 1988. – Т. 3. – С. 135-406.
6. Спиноза, Б. Этика / Б. Спиноза. Сочинения; пер. А.И. Рубин, Я.М. Боровский, Н.А. Иванцов. – Калининград: ОАО «Янтар. сказ», 2005. – С. 159-428.
7. Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре. Трактаты / Пер. с фр. — М.: "КАНОН-пресс", "Кучково поле", 1998. — 416 с.
8. Шетулова, Е.Д. Социально-философский анализ отчуждения в историческом процессе: дис. … доктора философских наук / Е.Д. Шетулова. – Н. Новгород, 2010. – 310 с.
9. Калугин, А.С. Проблема отчуждения в философии Гегеля / А.С. Калугин, Г.Л. Терехова // Вестник ТГТУ. – 2012. – Т. 18. – № 3. – С. 782-788.
10. Фейербах, Л. Избранные философские произведения: в 2-х т. Т. 2 / Л. Фейербах. – М.: Госполитиздат, 1955. – 942 с.
11. Маркс, К. Экономическо-философские рукописи 1844 года / К. Маркс // К. Маркс, Ф. Энгельс. Соч. 2-е изд. – М.: Политиздат, 1974. – Т. 42. – С. 41-174.
12. Маркс, К. Святое семейство, или критика критической критики. Против Б. Бауэра и компании / К. Маркс, Ф. Энгельс // К. Маркс, Ф. Энгельс. Соч. 2-е изд. – М.: Госполитиздат, 1955. – Т. 2. – С. 3-230.
13.Маркс, К. Экономическо-философские рукописи 1844 года / К. Маркс // К. Маркс, Ф. Энгельс. Соч. 2-е изд. – М.: Политиздат, 1974. – Т. 42. – С. 41-174.
14.Фромм, Э. Анатомия человеческой деструктивности. Пер.; авт. вступит. ст. П.С. Гуревич / Э. Фромм. – М.: Республика, 1994. – 447 с.
15.Фромм, Э. Иметь или быть? Пер. с англ. / Э. Фромм. – М.: АСТ, 2016. – 238 с.
16.Ницше, Ф. Веселая наука / Ф. Ницше. Утренняя заря. Переоценка всего ценного. Веселая наука. – Мн.: Харвест; М.: АСТ, 2000. – С. 606-884.
17.Сартр, Ж.-П. Первичное отношение к другому: любовь, язык, мазохизм / Ж.-П. Сартр // Проблема человека в западной философии. – М.: Прогресс, 1988. – С. 207–209.
18.Ортега-и-Гассет, Х. Восстание масс / Х. Ортега-и-Гассет. Избранные труды. – М.: Наука, 1997. – С. 43-163.
19.Юнг, К.Г. Аффект цивилизации / К.Г. Юнг, М. Фуко. Матрица безумия. – М.: Алгоритм, 2007. – С. 11-136.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01140

20.Фромм, Э. Бегство от свободы: человек для себя: Пер. с англ. / Э. Фромм. – М.: АСТ, 2006. – 571 [5] с.
21. Fromm E. 1964. The Sane Society // Alienation. The Cultural Climate of Our Time. Vols. 1-2. / Ed. by G. Sykes. New York: George Braziller, Vol. I: 67-88.
22. Ницше Ф. К генеалогии морали // Ницше Ф. Сочинения: в 2-х т. М.: Мысль, 1996. Т. 2. С. 407-525.
23. Ницше Ф. Ecco Home. Как становятся самим собой // Ницше Ф. Сочинения: в 2-х т. М.: Мысль, 1996. Т. 2. С. 693-770.
24. Ницше Ф. Так говорил Заратустра // Ницше Ф. Сочинения: в 2-х т. М.: Мысль, 1996. Т. 2. С. 5-238.
25. Ницше Ф. Человеческое, слишком человеческое. Книга для свободных умов // Ницше Ф. Сочинения: в 2-х т. М.: Мысль, 1996. Т. 1. 829 с.
26. Geyer, 2001 – Geyer R. Alienation, sociology of. International Encyclopedia of the Social and Behavioral Sciences. London. 2001.
27. Leshkevich, 2017 - Leshkevich T. Philosophical meaning of modern transformations of education // Web of Science. Proceedings of the 2017 3rd International Conference on Arts, Design and Contemporary Education (ICADCE 2017). Advances in Social Science, Education and Humanities Research. Vol. 144. PP. 650-653. WOS 000426711900158 3